



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2023 yil «18» декабрь

№ ПК-397

### Саноатни ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тартиби түғрисида

Республика саноатини жадал ривожлантиришда янги замонавий механизmlарни жорий қилиш орқали ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва қўшимча захираларни яратиш мақсадида:

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 июлдаги “Маъмурий ислоҳотлар доирасида инвестициялар, саноат ва савдо соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПФ-111-сон Фармони билан:

саноат тармоқларини тубдан ривожлантириш мақсадида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳузурида **Саноатни ривожлантириш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилганлиги;

Жамғармага **1 млрд АҚШ доллари** эквиваленти миқдорида маблағ жалб қилиниши, шу жумладан 2023–2024 йилларда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан **200 млн АҚШ доллари** эквиваленти миқдоридаги маблағлар ажратилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**2.** Жамғарманинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

саноат тармоқларида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, соҳага замонавий технологиялар ва билимларни олиб кириш ҳамда меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга кўмаклашиш;

юқори қўшилган қийматли экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, хусусий сектор корхоналарида маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларини яратиш ҳамда уларни экспорт фаолиятига жалб қилиш ва янги бозорларни ўзлаштиришда иштирок этиш;

юқори қүшилган қийматли ва янги юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилған ва экспортбоп инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан саноат ипотекаси тизими орқали молиялаштириш.

**3. Жамғарманинг молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:**

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратиладиган маблағлар;

2024 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Жамғарма томонидан тақдим этиладиган компенсация харажатлари учун 15 млн АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

**4. Белгилансинки, лойиҳа қиймати 4 млн АҚШ долларидан юқори бўлган саноат лойиҳаларига Жамғарма томонидан:**

**а) тижорат банкларига:**

янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва мавжуд қувватларни кенгайтиришга қаратилған саноат лойиҳалари учун импорт қилинадиган асбоб-ускуна харид қилиш, шу жумладан аванс тўловларини қоплаб бериш мақсадида, хорижий валютада йиллик **5 фоиз** ва миллий валютада йиллик **10 фоиз** ставкада **10 йил муддатгача**, шундан **3 йилгача** имтиёзли давр билан кредит маблағлари;

ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида бино-иншоотлар харид қилиш учун **7 йил муддатгача**, шундан **2 йилгача** имтиёзли давр билан миллий валютада йиллик **10 фоиз** ставкада **саноат ипотекаси тизими асосида**;

саноат корхоналарига хомашё материалларини харид қилиш учун айланма маблағларни шакллантириш мақсадида **1 йил муддатгача** хорижий валютада йиллик **4 фоиз** ҳамда миллий валютада йиллик **10 фоиз** ставкада кредит ёки субординар қарз маблағлари ажратилади.

Бунда:

бир лойиҳа доирасида кредит маблағлари **1 млн АҚШ долларидан 10 млн АҚШ доллари** эквивалентигача миқдорда ажратилади;

loyiҳa ташаббускорининг лойиҳадаги улуши лойиҳа қийматининг **30 фоизидан кам бўлмаган** миқдорда, шу жумладан капитал қўйилмалар қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда (кредит маблағи ажратилгунга қадар) пул маблағлари билан иштироки талаб этилади (айланма маблағларини шакллантириш мақсадида ажратиладиган кредитлар бундан мустасно);

**б)** қуйидаги тартибга мувофиқ 2024 йилдан бошлаб Давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган маблағлар доирасида **компенсация тўловлари** уч томонлама шартнома асосида талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган лойиҳаларнинг маркетинг тадқиқотлари, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, хорижий мутахассислар жалб қилиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сертификатлаштириш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг **50 фоизигача**, лекин **20 минг АҚШ долларидан** кўп бўлмаган миқдорда ажратилади;

**в)** саноат корхоналари билан таъсис қилинадиган қўшма корхонанинг (SPV) устав капиталида **25 фоизгача улуш** Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг шуъба корхонаси орқали иштирокчи (таъсисчи) сифатида иштирок этиши мумкин;

**г)** Жамғармага саноат корхоналари томонидан, ўрнатилган тартибда 5 йилдан юқори бўлмаган муддатларда эмиссия қилинган облигацияларни (бир лойиҳа доирасида **10 млн АҚШ долари** эквиваленти миқдоригача) қуйидаги шартларда:

капитал рентабеллиги (ROE) 15 фоиздан кам бўлмаган;

облигацияларнинг тўланадиган йиллик даромад миқдори миллий валютада, қарз олувчининг хатарларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг миллий валютадаги суверен облигациялари ставкасидан паст бўлмаган миқдорда Жамғарма томонидан сотиб олинади.

**5.** Белгилансинки, Жамғарма маблағларидан фойдаланиш Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг (кейинги ўринларда – Ҳукумат комиссияси) қарорлари асосида амалга оширилади.

Бунда:

Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши кўзда тутилган шартномалар ҳамда лойиҳанинг техник-иктисодий асослари/бизнес-режалари тегишли тармоқнинг илмий-техник кенгаши ва “Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК томонидан экспертизадан ўтказилади;

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан лойиҳаларни амалга ошириш бўйича таклифлар тижорат банкларининг ижобий хulosалари, саноат корхоналарининг устав капиталига кириш бўйича эса Жамғарманинг ижобий хulosалари асосида Ҳукумат комиссиясига кўриб чиқиш учун киритилади.

**6.** Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги, Статистика агентлиги, Солиқ қўмитаси, Кадастр агентлиги Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан биргалиқда 2024 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларининг Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича аризалари Ўзбекистон Миллий саноат портали кўриб чиқилишини таъминласин.

**7.** Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи дирекциясининг янгиланган ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

**8.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.

**9.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л.Ш. Қудратов ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори Ш.А. Вафаев белгилансан.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.


Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижро этувчи дирекциясининг  
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2023 йил 18 декабрдаги ПҚ-397-сон қарорига  
2-илова

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 16 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПҚ-350-сон қарори 4-бандининг еттинчи хатбошиси қўйидаги янги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан кредитлар бериш ва кредит линияларини очиш, шунингдек, кредитлар ва кредит линиялар таркибини ўзгартириш, шу жумладан Саноатни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан кредитлар ажратиш фақат Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари асосида амалга оширилади.”.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 9 мартағи “Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПҚ-1725-сон қарорнинг 3-банди ҳамда 1-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги “Инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларнинг лойиҳаолди, давлат харидига доир тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари ва техник топшириқлар ҳамда шартномаларни экспертизадан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПҚ-332-сон қарорига 1-иловада:

2-банд “а” кичик бандининг биринчи хатбошидаги “Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси” сўзларидан кейин “, шу жумладан Саноатни ривожлантириш жамғармаси” сўзлари билан тўлдирилсин;

3-банд “г” кичик бандининг биринчи хатбошидаги “лойиҳалар” сўзидан кейин “, Саноатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар бундан мустасно” сўзлари билан тўлдирилсин.

